

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий ва таркибий
бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг
самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш
УСЛУБИЁТИ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиёт Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларининг (*кейинги ўринларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги*) ички норматив ҳужжати ҳисобланади ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши қурашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши қурашиш бўйича қабул қилинган ички норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

2. Мазкур Услубиётда мониторинг деганда коррупцияга қарши қурашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат деганда танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши қурашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

3. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ, шунингдек, коррупцияга қарши қурашиш бўйича илгор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Коррупцияга қарши қурашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш (*кейинги ўринларда – мониторинг ва назорат*) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Комплаенс хизмати томонидан амалга оширилади.

5. Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсадлари қўйидагилар ҳисобланади:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;

коррупцияга оид ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш;

камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши комплаенс тизимини такомиллаштириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши ички норматив ҳужжатлари ва тартиб-таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятида коррупция хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларининг бажарилмаганлигини аниқлаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

6. Ушбу Услубиёт мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

контрагент (шартномавий шерик) – Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан шартномавий муносабатларга (*меҳнат муносабатлари бундан мустасно*) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринищдаги мулк ва мулкий ҳукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, тақлиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (*пора олиши*) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга қарши тизим – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги нинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини

олиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

релевант хабар – Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий ҳатти-харакатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган ахборот;

ходим – Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан меҳнат муносабатларига киришган шахс.

II. Мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари

7. Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўйидаги асосий йўналишлар бўйича коррупцияга қарши **мониторинг** ўтказилади:

идоравий коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

оммавий ахборот воситаларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг ёки унинг контрагентларининг коррупциявий ҳатти-харакатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупцияга қарши тизимнинг **назорати** қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат;

Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат.

III. Идоравий коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби

9. Идоравий коррупцияга қарши курашиш тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги Комплаенс хизмати томонидан доимий равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашга оид қонунчилиги ва бошқа коррупцияга оид талабларни (*масалан, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиши Миллий кенгаши қарорлари, Коррупцияга қарши курашиши агентлигининг кўрсатмалари, халқаро ва чет эл ташкилотлари тавсиялари*) кузатиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Бунда, зарурат туғилганда Комплаенс хизмати мониторинг якунлари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупцияга қарши тизимини

такомиллаштириш, ички идоравий ҳужжатларни ўзгартириш ёки янги ҳужжатлар, чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарига киритади.

10. Оммавий ахборот воситаларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг коррупциявий ҳатти-харакатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот хизмати томонидан доимий равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кузатиш орқали амалга оширилади.

Мониторинг натижасида ходимга алоқадор релевант хабар аниқланганда Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги ходимларининг коррупциявий ҳатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда ҳаракат қилинади.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг асосий коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш Комплаенс хизмати томонидан ярим йилда бир марта амалга оширилади.

Ходимларнинг хабардорлиги мазкур услубиётга 1-иловада келтирилган ходимларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш тизимиға мувофиқ ўтказилиб, қуидагиларни ўз ичига олади:

танлов асоода Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг текширувда иштирокини аниқлаш (*сўровда қатнашадиган ходимларнинг минимал сони Соғлиқни сақлаш вазирлигининг турли тузилмаларидан турли лавозимларни эгаллаган б киши*);

коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги талабларига мувофиқ саволлар рўйхатини тузиш (*вазиятли топшириқлар - кейсларни ечиш билан*) саволларнинг минимал сони 10 та, тест, очиқ саволлар ёки бошқа шаклда тузилиши мумкин;

жавоб/ечимларни тақдим қилиш учун танланган ходимларга назорат саволларини юбориши;

натижаларни таҳлил қилиш ва коррупцияга қарши курашиш талаблари ва тартиб-таомилларини тушуниш ва уларга риоя қилишдаги қийинчиликларни ходимлар билан муҳокама қилиш.

12. Ўтказилган мониторинг ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот 2-иловага мувофиқ шаклда журналга киритилади.

IV. Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш

13. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши дастурлар, йўл ҳариталари ижроси устидан назорат коррупцияга қарши кураш

тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий хужжатга мувофиқ ҳисобот тузиш давомида амалга оширилади.

14. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил қиласиган функция, тартиб-таомиллар, коррупцияга қарши курашиш мақсадида коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган муносабатларга нисбатан Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги жорий этиладиган ва амалга ошириладиган чора-тадбирларга нисбатан амалга оширилади.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат периметрига қуйидаги хавфли жараёнлар киритилиши мумкин:

харидлар бўйича фаолият;

совғалар, хизмат сафарлари харажатлари;

фаолияти назорат қилинувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик;

молиявий маблағларни сарфланиши;

персонални бошқариш (*кадрларни танлаш, тайинлаш, лавозимини хизмат) ошириши, мукофотлаш ва бошқа кўринишидаги разбатлантириши*).

16. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориладиган фаолият жараёнларининг кўрсатилган рўйхати ҳар йили коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига Комплаенс хизмати томонидан кўриб чиқилади ва агар лозим бўлса, коррупция нуқтаи назаридан хавфли бўлган ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун долзарб бўлмаган жараёнлар нуқтаи-назаридан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бўлимлари билан келишилган ҳолда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали тузатиш киритилади.

17. Бир ёки бир нечта хавфли жараёнларга нисбатан коррупцияга қарши назорат даврий оралиқда, лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги нинг коррупцияга қарши мониторинг ва назорат режасига мувофиқ ҳар чоракда камида 1 (бир) марта амалга оширилади.

18. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси икки календарь йилга мўлжаллаб Комплаенс хизмати томонидан жорий йилнинг 15 январига қадар шакллантирилади ва ушбу Услубиётда кўрсатилган (15 ва 16-бандлар) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча жараёнларини, текшириладиган даври ва текширув муддатларини ўз ичига олиши керак. Шу билан бирга, тегишли чоракда текширилиши керак бўлган хавф-хатар жараёнларининг кетма-кетлиги ва

тақсимланиш жараёни Соғлиқни сақлаш вазирлиги нинг коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ички идоравий хужжатида кўрсатилган, меҳнат ресурслари билан таъминлаган ҳолда қонунбузарликлар тўғрисида хабар бериш каналлари ёки бошқа усувлар орқали, раҳбариятдан олинган жорий кўрсатмаларга кўра Комплаенс хизмати томонидан белгиланган тартибда хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича жараёнларнинг қолдиқ хавф даражасига қараб амалга оширилади.

19. Тайёрланган Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси 31 январга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари томонидан тасдиқланиши керак.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлигида режадан ташқари Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат чоралари қуидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

агар Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарининг тегишли буйруғи мавжуд бўлса;

Соғлиқни сақлаш вазирлигида ўтказилган бошқа текширувлар (*шу жумладан расмий текширувлар, ички аудиторлик текширувлари ва бошқалар*) давомида коррупция хатарлари аниқланганда;

Соғлиқни сақлаш вазирлигитнинг алоқа каналлари орқали тегишли хабар олинган тақдирда.

21. Назорат тадбирлари текширув шаклида ўтказилиб, шу жумладан, коррупциявий ҳаракатларнинг индикаторларини аниқлашга қаратилган бўлиши керак, улар доирасида қуидаги тартиб-таомиллар ҳам амалга оширилиши мумкин:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тузилган шартномалар маълумотларини товарларни қабул қилиш ва топшириш хужжатлари ёки хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш хужжатлари билан солиштириш;

товарларни ҳақиқий сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ёки хизматлар кўрсатиш, ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги хисоботларни уларнинг миқдори ва сифати билан тегишли шартнома ва хужжатларда белгиланган тартибда солиштириш;

Контрагентни ёки Соғлиқни сақлаш вазирлигида ишлашга номзодни текшириш натижаларига асосланган хulosада акс эттиришнинг тўлиқлигини, таҳлил қилиш учун тақдим этилган ва ахборот манбасининг мазмунини қайд қилувчи хужжатлар таркибидаги маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш, шунингдек, контрагент ёки ишлашга номзоднинг шартномада кўрсатилган маълумотлари ва текширувдан ўтган шахснинг маълумотларининг мувофиқлигини текшириш;

контрагент ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шу жумладан, мувофиқлаштирувчи шахслар томонидан шартнома бошқа маъмурий ҳужжатлар имзоловчиларининг ваколатлари мавжудлигини текшириш, тақдим этилган ҳужжатларни ваколатли шахсларнинг имзолари билан визуал равишда мослигини солишириш;

контрагентнинг реквизитларини ва тегишли шартнома бўйича суммани бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солишириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки контрагент ходимлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларида тузатиш, ўчириш, сохталашибори белгилари йўқлигини текшириш;

қонун ҳужжатларига ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички ҳужжатларига мувофиқ талаб этиладиган оммавий ахборот манбаларида эълонларнинг мавжудлигини текшириш (*рақобатлашув харид қилиши тартиб-таомилларининг эълон қилинганлиги тўғрисида маълумот ва бошқалар.*);

пайдо бўлаётган масалалар бўйича қўшимча маълумот ва изоҳлар олиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигиходимлари билан сухбат.

22. Назорат тадбирлари якунида маълумотнома тузилади (*кейинги ўринларда- Маълумотнома деб юритилади*), у кириш, тавсифловчи ва яқуний қисмларни ўз ичига олиши лозим ва уларда, одатда, қуйидагилар кўрсатилади:

Кириш қисмида:

Ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар учун назоратнинг бошланиш ва тугалланиш саналари;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомиллар рўйхати;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомилларни бажаришга масъул бўлган бўлимлар ва шахслар рўйхати;

Ҳисботни тузиш учун масъул ходимнинг ФИШ.

Тавсифловчи қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар бўйича танлов амалга оширилиши усули ва танлаш ҳажми;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупцияга қарши тизимининг аниқланган коидабузилишлари ва камчиликлари, шу жумладан, камчиликларнинг пайдо бўлиши ёки ривожланишига ҳисса қўшган сабаблар ва шароитлар.

Яқуний қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомилларда коррупция хатарларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хуроса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилган нормалари, ССВнинг ички ҳужжатлари кўрсатилган асосий қоидабузарликлар;

назорат ўтказиш вақтида аниқланган қоидабузарлик ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар;

23. Маълумотномага киритилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар, ҳаволалар ва кўчирмалар нусхалари(иложи бўлса) илова қилиниши керак.

24. Маълумотнома Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарига тақдим этилади ҳамда ўтказилган назорат тўғрисидаги маълумот 1-иловага мувофиқ шаклда Журналга киритилади.

V. Якуний қоидалар

25. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади.

26. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни бажариш, амалга оширилган ишлар ҳақида Комплаенс хизматига тегишли маълумотлар тақдим этилиши учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибий бўлинмалари раҳбарлари шахсан жавобгардир.